



Миркарим ОСИМ. Тўмарис



Тарихий кисса

Миркарим Осим 1907 йилда Тошкент шаҳрида тугилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1944), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1977). Москвадаги Бубнов номидаги педагогика институтини тутатган (1926—30).

«Янги арик» илк киссаси (1925) Кўкон хонлигини идеаллаштирган асар сифатида босилмай колган. Дастлабки йирик асари — «Астробод» тарихий киссаси Алишер Навоий хаётига бағишланган. Шундан кейин у Навоий хакида туркум кисса ва хикоялар

ёзган (1937—40). «Тўмарис», «Широк», «Искандар ва Спитамен», «Темур Малик», «Махмуд Торобий», «Ўтрор» каби киссалар муаллифи. Унинг «Зулмат ичра нур», «Аждодлар киссаси», «Жайхун устида булутлар», «Алжабрнинг тугилиши», «Ибн Сино киссаси», «Синган сетор» сингари асарлари ўзбек тарихий киссачилигининг юксак намуналаридандир.

М. Шолоховнинг «Тинч окар Дон» (2-китоб), С. Бородиннинг «Елдириим Боязид» романлари ва Л. Г. Батнинг «Хаёт бўстони» киссаси на бошка асарларни ўзбек тилига таржима килган.

Миркарим Осим 1984 йил Тошкент шаҳрида вафот этган. Вафотидан сўнг «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган (2002).

I

Чўл баҳор келинчаги оёғи остига чечаклар билан безалган яшил пояндозини ёйиб ташлаган. Тўрғайлар хавода пириллаб кўкламга мадхия ўкимокда. Ранго-ранг капалаклар чечакларнинг хушбўй хидидан маст. Аллакандай узун оёкли кушлар ўтлар орасида думларини ликиллатиб, катта-катта босиб юради, тошбакалар буришиб кетган хунук бўйинларини ўтларга чўзади, кўнгизлар эса оркаларига караб юриб, тезакдан ясаган кумалокларини аллакаёкка юмалатади. Кизгиш-кўнгир бир илон ўт орасидан ўрмалаб келиб, атрофни томоша килаётгандек каккайиб колган юмронкозикка ташланади, кушларга ўхшаб чиркиллаб турган калтакесаклар кўркиб кетиб оёқлари билан кумлок ерни икки ёнларига чиқариб, тупрок остига яширинади. Баъзан овуллар яқинидан кўкраклари оппок сайгоклар гала-гала бўлиб чопиб ўтади, ер гумбурлаб кетади.

Орол денгизининг жанубидаги шу бепоён чўлларнинг сохиби бўлган кўчманчи массагетлар (1) келин кутмокда. Уларнинг қароргохи байрам тусини олган. Хар ер-хар ерга гулхан каланган, кийик ва кўй гўшти пишаётган мис қозонлар гўё меҳмонларни сабрсизлик билан кутаётгандек шакир-шакир кайнамокда.

Кабилла бошлиғи Тўмарис ўгли Сипарангизни шак (2) уругидан Зарина деган бир кизга уйлантирмокда. Массагетлар келинни олиб келадиган меҳмонларни кутиб олиш тараддудида.

Ёшлар меҳмонларга жой хозирламокда, аёллар овқат пиширмокда, янгалар ўтов хизматини ўтайдиган узун соябон араваларни безатмокда...

Чарчаб гулхан ёнида ўтирган ёшлар узокдан от чоптириб келаётган чопарни кўриб, ўринларидан сакраб туриб кетдилар.

— Келин... келин келаёттир,— деб бакирди у харсиллаб.— Қариялар олдинда... дархол кутиб олинглар.

Чопар сакраб эгардан тушди-ю, отини козикка боглаб, бир чеккадаги катта гулхан яқинидаги чоллар олдига бориб ўтирди.

Бутун қароргох оёкка калкиб, азиз меҳмонларни кутишга хозирланди. Орадан кўп ўтмай узокда учи ингичка наMAT калпок кийган отликлар кўринди. Массагет ёшлари шакларга пешвоз чикиб:

— Хуш келибсизлар, кўноклар, пойкадамларингизга хасанот,— дедилар ва отларини жиловидан ушлаб, эгардан тушишларига ёрдам бердилар.

Шаклар отдан тушиб, массагет қариялари билан кўришганларидан кейин атрофи соябон аравалар билан куршалган сайхон жойга, гулдор наматлар устига чордана куриб ўтирдилар. Мезбонлар кўй терисидан килинган супраларда пиширилган гўшт, мешларда кимиз келтира бошладилар.

Кун ботгандан кейин келин ва унинг дугоналари тушган узун соябон аравалар етиб келди. Хар ер-хар ерга каланган гулханларнинг олови гуриллаб, осмонни ёритиб юборди, ашулаларнинг авжи фалакка кўтарилди. Келин билан келган кизлар ва йигитларнинг яллеси, болаларнинг кий-чуви, хурсандликдан терисига сигмай колган кишиларнинг шовкинига кўшилиб кетди. Осмон баравар кўтарилган гулханларнинг ёругида ўйин-кулги, зиёфат бошланди.

Вакт алла-палла бўлганда куёв билан келинни улар учун белгиланган соябон аравага чиқариш олдидан кураштириб кўришди (3).

Бўйчан, бугдойранг, сочлари тимқора, кўзлари чакнаб турган Зарина ўзининг сахройи гўзаллиги билан бошка аёллардан ажралиб турарди. У гулханлар ёругида давра куриб ўтирган йигит-кизларга бир қараб олди-да, тўрда, обрўли кампирлар ва чоллар куршовида савлат тўкиб ўтирган Тўмарисга таъзим килди, сўнгра қаршида курашга шайланиб турган чўзинчок юзли, кўзлари катта-катта Сипарангизга тикилди. Киз сочларини рўмолча билан махкам тангиб, белини камар билан боглаб олган эди. У бехосдан келиб, йигитни белидан олди-да, чирпирак килиб улоктириб юборди, йигит анча ергача гандираклаб бориб тиззалаб колди. Келин томондан келган йигит-кизлар хурсанд бўлиб кийкириб юбордилар.

Куёв билан келин пайт пойлаб, бир-бирларининг атрофида анчагача айланиб юришди. Зарина эпчиллик билан Сипарангизга чанг солиб уни чалиб юборди, йигит ёнбоши билан каттик йикилди-ю, лекин орқаси ерга тегмади, дархол сакраб туриб яна олиша кетди. Бир-бирларини йикита олмагандан кейин улар ўзларини совутиш учун айланиб юришди. Сипарангиз тетиклангандан кейин тўсатдан кизнинг ўнг кўлига ёпишди-ю, бир силтаб тортиб, хипча белидан махкам қисганича кўкрагига кўтариб олди. Киз чап томонга ташлайди, деб мўлжаллаб турган эди, йигит унинг кўнглидаги гапни англагандай, тиззаси билан қайириб, ўнг томонга ташлади. Шу махалгача нафаслари ичларига тушиб кетган куёв томон йигитлари кийкириб юбордилар. Кизнинг ягрини ерга теккан эди, у кизариб-бўзариб ўрнидан тургач, янгалар «Яраш-яраш»,— деб бакириб, келин билан куёвни аравага чиқариб кўйдилар.

Эртаси куни тонготар пайтида хаво айнаиб, кум бўрони бошланди. Хамма жониворлар сахродан келган кум уюрмаларидан ўзларини саклаш учун ин-инларига беркинди, чўл хувиллаб колди. Кум тўзонидан осмон қоронгилашди, кўчманчилар араваларининг хаммаёгини беркитиб олдилар. Бўрон бир соат давом этди, сўнгра қандай бехосдан бошланган бўлса, шундай тез тинди. Соябон араваларнинг олди очилди, одамлар намат устига ёйилган кумларни қокиб тушира бошладилар. Тўргайлар ҳеч нарса бўлмагандек, яна чулдираб кўшиқларини айтишга қиришди. Офтоб яна жилмайиб, чўл келинчаги устидан яна олтин тангалар соча бошлади. Бахор наққоши яна кўлига мўйкаламни олиб, табиат кўйнига зебо нақшлар сола бошлади.

Ўгли билан келинига қараб Тўмарисни севинчи ичига сигмас эди. Бирок ойнинг ўн беши ёруг бўлса, ўн беши қоронги, деб бекорга айтмаганлар. Бахт осмонида бир парча булут пайдо бўлиб, чўл маликасининг юрагини гаш қила бошлади. Мамлакат чегарасидан келган чопарлар унинг хузурига Эрон шохининг элчиси келаётганидан дарак берган эдилар. Қайхисравнинг (4) элчиси ўз мулозимлари билан Ўкузнинг (5) ўнг қиргогига ўтиб,

икки кун йўл юргандан кейин Тўмарис хузурига етиб келди. У отини секин юргизиб, устига ок наMAT коплапган катта соябон арава олдида тўхтатди. Шу пайт эгнига яргок теридан камзул кийган, камарига килич ва ўк-ёй осган наMAT калпокли бир пахлавон йигит келиб, отнинг жоловидан ушлади ва элчи эгардан тушгунча бир кўли билан олтин узангини ушлаб турди. Худди ўша йигитга ўхшаб куролланган икки аёл арава ёнига шолча солиб, таъзим килганларича котиб колдилар. Ёши киркларга бориб колган, чиройликкина бир аёл араванинг оркасидаги пардани кўтарди-да, белидаги олтин камарга такилган киличини авайлаб ушлаган холда палос устига сакраб тушди. Бу аёл массагетлар маликаси Тўмарис эди. Яркирок мис болта ушлагаи икки киз унинг икки ёнига келиб турди. Элчи Тўмарисни кўргач, икки кўлини ерга кўйиб, ер ўпди-ю, ўрнидан туриб таъзим килди:

— Шаханшохи Эрон аълохазратлари сен улуг маликага беҳад салом ва совгалар юбордилар,— деди у баланд овоз билан.— Сенга соглик, туман бойлик ва узок умр тилаб колдилар.

У тумтарокли сўзлар билан Тўмарисни кутлуглар экан, мулозимлари тилладўз чопон ва харир кўйлақлар тугилган зарбоф бўгчани малика оёги остига кўйдилар.

Тўмарис совгалар учун миннатдорчилик билдириб, Эрон шохининг соглигини сўради ва элчининг йўлда кандай келганин суриштирди, сўнгра шолча устига ташланган йўлбарс терисига ўтиришни таклиф килди. Элчи ва унинг мулозимлари хам катор килиб солинган пўстаклар устига ўтирдилар. Орадан кўп ўтмай, мезбонлар улар олдида чарм супра ёзиб, пиширилган кўй гўшти, балик, гоз, ўрдак кабоб келтириб кўйдилар. Элчи билан ёнма-ён ўтириб, уни гапга солаётган Тўмарис овкатга манзират килди.

Элчи овкат еб ўтирар экан, доимий овул ва сахарлари бўлмаган массагетларнинг кўй ва йилкилар орасида жуда ибтидоий хаёт кечиршига, аёлларнинг эркаклардек куролланганига, маликанинг оддий одамлар каторида ўтиришига хайрон колар ва унинг турмушини сернакш қононаларда, зеб-зийнат ичида яшовчи Эрон шохининг хаёти билан солиштирарди: «Шуям малика бўлди-ю, — деб ўйларди у:— ўз фукарolari билан ёнма-ён ўтириб овкат ейди, сочлари ўсиб елкасига тушган йилкичилар кўл чўзиб, унинг олдидан ёглик гўшни олиб ейдилар, на остида олтин тахти бор ва на бошида тожи. Аёлларнинг эркаклар билан ёнма-ён ўтириб, бир-бирларига гап отиб, гўшт чайнашларини каранг. Бу хотинларнинг эрлари рашк нима эканин билмасалар керак. Тавба, аёл киши хам курол такадими? Буларда на кул бор ва на хизматкор, хаммалари топганларини ўртада бахам кўрадилар. Ёввойи халк-да! Кул бўлишдан бошка нарсага ярамайди булар!»

Кайхисрав элчисини юбораётганда унга: «Агар Тўмарисни хотин килиб олсам, унинг фукароси ўз-ўзидан мснга карам бўлиб қолади, урушиб ўтиришга хожат колмайди. Сенинг вазифанг менинг шу режамни рўёбга чиқаришга ёрдам беришдан иборатдир, тушундингми?» — деган эди.

Элчи хозир ўз подшохининг топширигини бажариш учун бутун айёрлигини ишга солар, тилёгламалик килиб, Тўмарисни мактаб кўкларга кўтарар эди:

— Оламда шу махалгача хеч бир заифа шундог улуг мамлакатга хукмдор бўлмаган, ер юзи сендек адолатли маликани кўрмаган,— дерди у кекирдагини чўзпб.— Офтоб тангриси сенга хам хусн берибдур, хам шон-шавкат. Агар сен ўз такдирингни бизнинг шаханшоҳ такдири билан боғласанг, дунёда хеч бир подшоҳ бизга бас келолмайдур. — Шу зайлдаги тумтарокли гаплардаи кейинн ўз максадинн очик баён этди: — Мен ёлғиз элчи эмас, совчи хам бўлиб келдим. Шахапшохи олам сенга гойибона ошик бўлганлар.

Тўмарис овкат сйишдан тўхтаб колди.

— Не дединг? Совчи бўлиб?

У Эрон шохининг кандай ниятда эканини энди тушуниб олган эди.

— Ха, совчи бўлиб,— такрорлади элчи бош эгиб. — Эринг ўлганига бир йилдан ошди, хали ёшсан, гўзалсан. Факат шаханшохи олам Кайхисрав каби улуг хукмдорга муносиб калликдурсан.

— Нима, унинг хотинлари ўлиб, ўзи сўккабош бўлиб колдимми?

— Йўк, хотинларини хаммаси сог-саломат. Ул кишига куёвга чиксанг, сен бош хотин, барча хотинлари сенинг чўринг бўладилар.

Тўмарис кошларини чимириб, ўйга толди. Агар у шохнинг совгаларини ва таклифини кабул килса, халкининг бошига кандай кунлар келишини кўз олдига келтириб, дахшатга тушди.

— Шаханшоҳ менга эмас, менинг юртимга, бойлигимга ошик бўлгандир,— деди Тўмарис захарханда килиб. Мен эмас, шу сербарака юртим унга керак бўлиб колган. Сиз, элчи жаноблари, ўз тождорингизга бориб айтинг: мен унинг таклифини катъий рад этаман. Мен унга каллик бўлишни, ўз элимни унга кул килиб топширишни истамайман.

— Шаханшоҳнинг таклифларига рад жавоб боришдан аввал саркардалар ва улуг оксоколларининг маслахатини олишинг, ўйлашиб кўришинг керак эди,— деди элчи Тўмариснинг ўнг кўлида ўтирган наMAT калпокли, яргок теридан камзул кийган кишиларга истехзо аралаш назар ташлаб.

— Бу тўгрида ўйлаб бош котиришнинг хожати йўк,— деди уруг оксоколларидан бири. — Юртимизнинг улуги рост гапни айтди. Хукмдорингга бориб: «Тўмарис сенга хотин, улуси кул бўлишни истамас эмиш», деб айт. Агар шахашнох бизга мсхмон бўлиб келса, яхшилаб зиёфат киламиз, оёгига кирк кўчкор сўямиз. Аммо килич билан келса, бари аскарларини кириб ташлаб, уларнинг конини ўзига ичирамиз.

— Улуг шаханшохи Эроннинг шаъниларига ярашмайдиган гап бўлди,— деди элчи бўгрикиб кетиб. У каттикрок бир гап айтмокчи эди-ю, аммо газаб билан тикилиб тургаи чехраларни кўриб, тилини тишлаб колди.— Улуг тождор мени яхши ният билан юборган эдилар. Сизлар улуг шаханшоҳнинг эзгу ниятларини пайкамадингиз. Бунинг окибати сиз учун хайрли бўлмас.

— Агар элчи бўлмаганингизда, шул гапни айтган огзингизни кум билан тўлдирар эдим. Каерда эканлигингизни унутманг, жаноб! Орка-ўнгингизга караб гапиринг. Шаханшохи Эроннинг нияти бизга маълум бўлди,— деди хамон жахлдан тушмаган Тўмарис.— Бошимизда зар сочганларингда хам биз эркинликни кулликка алиштирмаймиз.

Дастурхон атрофида ўтирганлар:

— Рост гап!

— Ватандош аёлларимизнинг гапи бундай бўлади— деб Тўмариснинг сўзини маъкулладилар.

Шу пайт узокдан от дупури ва йигит-кизларнинг кийкириги эшитилиб колди. Элчи хавотирланиб, чанг-тўзон кўтарилган томонга каради.

— Кўркманг, ўглим Сипарангиз ўз кайлиги ва дўстлари билан шикордан кайтиб келаётир,— деб элчини тинчитди Тўмарис.— Яхшики бояги гапларингизни ўглим эшитмади, йўкса, терингизга сомон тиккан бўлур эди! Кизиккон, гайратли йигит у. Бир лахзадан сўнг чўл шамолидан юзлари бир оз корайгап, кўзлари чакнаган, кора сочли уч чиройли киз билан уч барваста йигит отларидан сакраб тушдилар ва Тўмариснинг олдига икки Ок куйрук кийикни келтириб кўйдилар. Кизларнинг хам, йигитларнинг хам

белларида ўк-ёй ва садокларида ўклари бор эди.

Элчи ўрнидан туриб, юзлари чўзинчок, кўзлари катта, новчадан келган Сипарангизга таъзим килди ва тумтарокли сўзлар билан ўзининг кимлигини эълон килиб, унинг соглигини сўради. Сипарангиз у билан сўрашиб бўлгандан кейин, кайлиги билан элчининг сўл томонига, йўлбарс териси устига ўтирди.

Тўй куни Сипарангиздан йиқилгани учун унга итоатгўй бўлиб колган Зарина эрининг ёнида одоб саклаб, унинг сўзларига кулок солиб ўтирар, ундан олдин гап бошлашни ўзига эп кўрмас эди.

Сипарангиз элчининг йўлда қандай келганлигини сўради, элчининг батафсил хикоясини тинглагандан кейин такаллуфсизлик билан Эрон шаханшоҳининг бойлиги, унинг канча мулозим ҳам куллари, неча хотини борлиги на хоказоларни суриштира бошлади. Элчи хинага бўялган соқолини сийпаб кулимсираркан, саволларга батафсил жавоб бериб, шохнинг саройидаги урф-одатлар билан уни таништирди. Ёшлар Эрон шохининг кўз кўрмаган, кулок эшитмаган зеб-зийнат ичида яшаши, ичкилик базмлари тўгрисидаги хикоясини завк билан тинглаб ўтирдилар.

— Шаханшоҳ зиёфатига таклиф этилган зардўз чопонли аъён-амалдорлар, харир кийим кийган меҳмонлар, бегона юрт элчилари аввал олтин тахт устида ўтирган шоҳи оламга таъзим килиб, ўзларига кўрсатилган ерга ўтирадурлар. Этакларини бар урган эпчил бақовуллар ош тортар экан, белларига кирктадан кўнгирок таккан ёш соқийлар уларга олтин пиёлаларда шароб тутадилар, Бир тарафда созандалар...

Элчининг гапига диққат билан кулок солиб ўтирган бир йигит унинг сўзини охиригача тинглаб:

— Сиз шароб деган сўзни ишлатдингиз, бу нима, бизга тушунтириб беринг,— деди.

— Шароб узум сувидаи тайёрланадиган ажойиб ичимлик, ўзи хуштаъм, бир коса уриб олсангиз, вақтингиз чоғ бўлиб, кулаверасиз.

— Ажойиб нарса экан,— деди бояғи йигит сўлақайини окизиб.

Тўмарис ковогини солиб ўтирар, ёшлар элчининг хикоясини завк билан тинглаётганига гаши келарди. Сипарангиз Тўмариснинг авзойига қараб, ўзи йўқлигида онасининг кайфини бузган бир гап ўтганини пайқади.

Эртасига у нима бўлганини сўраб-суриштириб билиб олди. У шохнинг таклифини онаси катъиян рад этганини эшитиб, хурсайд бўлган эса-да, бироқ элчига нисбатан каттик чора кўрилмаганига хайрон колди.

— Элчининг кулок-бурнини кесиб жўнатиш керак,— деди у катъий килиб.

— Бундай килиш ярамайди. Элчида айб йўқ. У ўз кулогига қуйиб қўйилган гапларни гапирди, холос. Яхшиси, келтирган совга-саломини қўлига бериб жўнатамиз, шунинг ўзи шохга тарсаки бўлиб тушади,— деди Тўмарис.

II

Марғиёнани, Сўғдияни (6) ишғол қилган Қайхисрав ўз қўшини билан Ўқузнинг чап киргогига келиб чодир қурган эди. У Тўмарис хузуридан қайтиб келган элчисининг маърузасини тинглаб, макр-хийла билан массагетларни асорат занжирига тушириш мумкин эмаслигини пайқади ва қурол қучи билан уларни итоатга келтиришга аҳд қилди. Орадан кўп ўтмай, Тўмариснинг айгоқчилари, Қайхисравнинг катта қўшини Ўқуздан ўтиш тараддудида, эронийлар ёғоч ва қамишлардан соллар ясамоқдалар, деб дарак топиб келдилар. Тўмарис жанг кўрган доно қоллар, аёлларни чакириб кенгаш ўтказди.

Чоллардан бири дархол ўк-ёй билан курулланган мерганларни дарё бўйига юбориб, кўприк кураётган эронийларни ўкка тутишни, ўнг киргокка ўтишларига имкон бермасликни маслахат берди. Сипарангиз бу таклифга қарши чикди:

— Бундай килсак, хоразмийлар, Яксартнинг (8) нарёгидагн шаклар нима дейдилар, биласизми? Массаетлар эронийлар билан тўкнашишдан кўриб, уларни дарёдан ўтказмадилар, узокдан уларни ўкка тутиб, кўприкларни, солларни бузиб ташладилар, деб айюоханонс урадилар. Бундан сўнг биз нима деган одам бўламиз, қандай қилиб бош кўтариб юргаймиз. Яхшиси, эронийларга элчи юбориб, биз кўприк куриб, дарёнинг бу бетига ўтишингизга тўскинлик қилмаймиз, ўтиб олганингиздан кейин сиз билан жанг қилишга тайёрмиз, дейишимиз керак.

— Гапнинг ўгил боласи мана бундок бўлади,— деб унинг сўзини қувватлади ёшроқ бир йигит.

Тўмарис ҳам жанговар массагет элининг обрўсини саклаб қолиш мақсадида ўглининг гапини маъқуллаб, чолнинг таклифини рад этди.

Шундан сўнг Амунинг ўнг киргогидаги бепоён чўлистонда биридан бири дахшатли воқеалар юз бера бошлади. Жанговар йигитларнинг тантилиги уларга жуда қимматга тушиб кетди.

Қайхисрав ўзининг отликлари ва оғир курулли пийдаларини дарёдан монесиз олиб ўтгач, дархол массагетлар устига юриш бошлади, лекин бир ҳафта юрса ҳам уларни учратолмади. Кўчманчиларнинг эронийларни бепоён чўллар ичига олиб кириб, уларни сувсиз, озик-овқатсиз қолдириб, тор-мор қилиш ниятида эканликлари маълум бўлиб қолди. Ёз бошланиб, қунлар исиб кетган, майсалар қовжираб, саргайиб қолган эди. Қайхисрав қенгаш қақриб, тажрибали чолларнинг маслахатини эшитмокчи бўлди.

— Балиқ дарёда ўзини қандай сезса, бу лаънати кўчманчилар ҳам шу сувсиз чўлларда ўзларини шундай сезадилар, — деди кекса жангчилардан бири.— Чўл-бийёбои уларнинг ўз бағрида ўстирган меҳрибон онаси, биз учун эса ўгай онадан баттар. Массаетлар қаерда булок, қаерда қудук бор, яхши биладилар...

— Хўш, уларни тор-мор қилмок учун қандай чоралар кўришни тавсия этасиз?— деди ипак чодирнинг тўрида ўтирган Қайхисрав ноҳушланиб. Унинг эғнида подшолик аломати бўлган тўк қизил қимқоб чопон, қўлида жавахирлар билан безалган асо, бир мулозим узун елпигич билан тинмай елпиб турарди.

— Уларни тор-мор қилмок учун шундай бир найранг ишлатмок керак. Қўшинимизни учга бўлиб, бир қисмини орқада қолдирсак ва уларни озик-овқат, шароб-ноб билан мўл қўл таъмин этсак... Қолган икки қисм билан юришни давом эттирсак.

Эрон шоҳи кўпни кўрган кекса жангчининг макр-хийладан иборат бўлган режасини завқ билан тинглаб ўтирди. Соддадил массагетлар дарёдан ўтишимизга монелик қилмай, мардлик кўрсатди-ю, бизлар хийла ишлатиб, номардлик қиламизми?»— деган фикр кўнглининг кўчасига ҳам қелмасди. Ирок ва Мисрни, Ўрта Осиёнинг жанубий қисмини курул ва олтин, макр-хийла билан босиб олиб, буюқ Эрон (Ахмонийлар. ХДҚ изоҳи) давлатини барпо этган бу шухратпараст шоҳ мақсадига эришиш йўлида ҳар қанақа номардликлардан тап тортмасди.

У аскарининг учдан икки қисмини бошлаб илгарилаб кетди, орқарокда қолган жангчилари ҳудди зиёфатга тайёрланаётгандай ипак чодирлар куриб, ер ўчоқлар қазий бошладилар. Ўз айгоқчилари орқали бундан хабар топган Тўмарис асосий кўшиндан ажралиб орқада қолган душман қисмини тор-мор этиш пайига тушди. У аскарларининг учдан бир қисмини ўгли Сипарангизга топшириб, буюрди:

— Сен уларни тўзгитиб юборгандан кейин хаялламай, дархол Кайхисравга орка томондан от сол, биз манглайдан урамиз. Куёш тангриси бизни ёрлакаса, шаханшохи Эрон аскарлари куршовда колган жайронлардай, кочгани жой тополмай колгайлар. Укдингми?

— Укдим,— деди ўгли ва укканини кўрсатиш учун онасининг айтган гапларини такрорлади.

— Бор, ўглим, Куёш тангриси мададкоринг бўлсин.

Массагет отлик аскарлари оркада колдирилган эронийлар кароргохига бостириб кирганларида улар энди овкатларини сузиб, шароб тўла мешларни дастурхон ёнига келтириб кўйган эдилар. Киска жангдан сўнг эронийлар оркаларига карамай кочдилар. Уларнинг бир кисми киличдан ўтказилди, бир кисми кўлга туширилди.

Асир тушган бир эроний сўрок вақтида Сипарангизга шундай деди:

— Улуг саркарда экансиз, бизни гафлатда колдириб, устимизга бало-казодай бостириб келиб колдингиз. Биз энди базми жамшид бошлаган эдик. — У шароб тўла мешларга ва заррин косаларга, овкат сузилган товоқларга ишора килди.— Булар бизга эмас, сизларга насиб килган экан.

— Овкатларингиз, шаробларингиз ўзингизга буюрсин, бизнинг зиёфат ёмокка вақтимиз йўк, — деди Сипарангиз шароб сузилган косаларга караб, аммо ўзининг бир тотиб кўргиси келиб турарди.

— Йигитлар йўл юриб, жанг килиб чарчади, отлар хам толиқди, уларга бир оз дам бермок керак,— деди ёш сардорнинг йигитларидан бири. — Тамадди килиб, сўнг дархол отланамиз.

— Тўгри, озрок дам олайлик, тамадди килайлик,— дейишди корни очган йигитлар дастурхонлардаги ноз- неъматларга караб.

Сипарангиз иккиланиб колди, кейин:

— Хой, чол,— деди асир эронийга караб.— Бошинг учун рост сўйла, овкат ва шаробларга захар солинган эмасми?

— Ўзимиз ёмокчи бўлган овкатга нега захар солайлик? Нима, ўзимизга ўзимиз душманмизми? Барча худоларнинг худоси Ахурамаздани (9) шафе келтириб касамёд этаманки, биз бу ноз-неъматларга захари котил солганимиз йўк.

— Сўзларингнинг тўгрилигини исботлаш учун булардан еб-ичиб кўр-чи!

Асир шароб ичиб, товоқдаги гўштдан еб кўрсатди. Кўлга туширилган бошка эронийларга хам шароб ичириб, овкат едириб, уларнинг эахарланмаганига каноат хосил килгандан сўнг, йигитлар дастурхонлар ёнига ўтирдилар-да, шаробларни нўш этиб, пишириб кўйилган гўштарни тушира кетдилар. Ўткир шароб умрида ичкилик ичмаган ёшларга дарров таъсир кила колди. Улар хиринглашиб, бир-бирлари билан аския кила бошладилар. Коровулга кўйилган отликлар хам бенасиб колмасинлар, деб уларга овкат ва май обориб бердилар. Бир оз овкатланиб отланмокчи бўлган йигитлар огизларига ичкилик тегиши билап хурсандчиликка берилиб, канча вақт ўтганини билмай колган эдилар.

Кайхусравнинг муддаоси хам шу эди. Массагетлардан кочпб кутулган эрои отликларидан баъзилари Кайхисрав хузурига етиб бориб, кароргокда рўй берган ходисалардан уни вокиф килгач, у отининг бошини оркага бурди, анканиб колган юмронкозик устига ташланган илондек Сипарангиз кўшинига бирдан хужум килди. Коровул бўлиб турган ширакайф аскарлар эронийларнинг етиб келганларини пайкамай колдилар. Киска жангдан сўнг душман уларни кириб ташлади. Базм куриб ўтирган йигитларнинг

баъзилари жанг суронини эшитгач, ўринларидан тураман деб, гандираклаб йикилиб тушди, отларига етиб олганлар киличларини кинидан сугуришга улгуролмадилар. Баъзи ёшлар жанг кўрган аскарларнинг сўзига кирмай, отларига дам бериш учун айилни бўшатиб кўйишган эди, шу сабабдан отларига минишлари билан эгар кийшайиб, отларнинг корнига келиб, ўзлари бошлари билан ерга санчилишди. Хуллас, душманнинг найрангига учиб, хушёрликни кўлдан берган Сипарангиз ўзининг бир неча йигити билан асир тушиб колди. Уларнинг оёқларига кишан солиб, кўлларини оркаларига боглаб Кайхисравнинг рўпарасига тургизиб кўйишди. Шох истехзоли илжайиб, асирларни кўздан кечирди.

— Ха, кўлга тушдннгми?— деди у Сипарапгизга бош иргаб.— Холинг шу-ку, мен билан жанг-жадал килмокчимидинг, она сути огзидан кетмаган тирмизак!

Тириклайин кўлга тушмаслик учун душман билан тоза олишиб, у ер-бу ери тирналган ёш сардорнинг мастлиги таркаб, хушёр тортиб колган эди. У бошини викор билап кўтариб, шахашнохга нафрат кўзи билан каради-да:

— Ха, сен билан жанг-жадал килмокчи эдим, аммо бу бахт менга муяссар бўлмади,— деди. — Сен очик ерда расмана жанг килишдан кўркиб, хийла-макр билаи бизни кўлга туширдинг. Афсуски, ёшлик килиб, килич дастасини ушлаган кўлимга манфур шароб косасини олдим ва тузокка илиндим. Агар сен номардлардек...

Шохни хакорат килишга ўтган Сипарангизнинг товушини ўчириш учун аскарбошилардан бири:

— Бас кил, ахмок!— деб унинг юзига кўлидаги пиёладан сув сепиб юборди. Йигит беҳосдан сесканиб кетган эди, унинг гаплари нарёк-берёгидан ўтиб кетган Кайхисрав кулиб юборди, ёнидаги аъён ва саркардалар хам шохларига таассуб килиб, кўзларидан ёш чиккунча хахолаб кулишди.

— Кулинг-а, кулинг,— деди Сипарангиз уларга жирканиб караб,— кўп ўтмай йиглайсиз, кон йиглайсиз. Хийла ва макрларингиз энди иш бормаиди, арслон терисипи ёпинган тулкилар...

Халиги аскарбоши уни гапиртирмаслик учун юзига яна сув сепиб юборди. Кайхисрав бу сафар зўрма-зўраки илжайиб кўйди, ёни-беридагилар хахолаб кулишга журъат этмай, тиржайиб кўйишди.

— Биз кахр-газаб килишни хам биламиз, лутфу-карам килишни хам,— деди Эрон шохи Сипарангизга караб.— Хусусан, биз сен каби болаларга шафкатлимиз. Эхтимол, онангни согингандирсан, истасанг, сени кўйиб юборамиз.

Сипарангиз захарга айланган тупугини култ этиб ютиб ўйлади: «Кўшинимизнинг учдан бирини мен нобуд килдим. Сафдошларимнинг кирилиб кетишига мен сабабчи бўлдим. Агар энди бўшатиб юборсалар хам ўз элатимга кайтиб кстмайман. Онаминг олдига кайси юз билан бораман?»

— Кўлимни ечиб кўйинглар,— деб илтимос килди у.

Кайхисрав бир мулозимига ишора килган эди, у югуриб бориб йигитнинг кўлини ечди-да, ўз жойига бориб турди. Шу он Сипарангиз кўйнидан кичкинагина ялтирок ханжар олиб, ўзининг кўксига санчди-ю, мукка тушиб жон таслим килди.

— Мард йигит экан,— деди Кайхисрав бир оздан кейин. — Ўлимни номусдан афзал кўрди. Ўлмаганда, эхтимол, улуг саркарда бўлар эди. Майли, бўлар иш бўлди, энди мана буларни хам,— у асир йигитларга ишора килди,— ўз саркардаси ортидан нариги дунёга жўнатинглар.

III

Сипарангиз ва унинг сафдошлари халок бўлганлиги тўгрисидаги хабар Тўмариснинг ва барча аёлларнинг юракларини ўкдек тешиб ўтди. Рухий азобнинг зўрлигидан уларнинг кўзларига ёш ҳам келмай колди. Бирмунча вақтдан кейин соябон араваларнинг ичидан хотинларнинг дод-фарёди эшитила бошлади. Хусусан, Сипарангизнинг кайлиги сочларини юлиб йиглаб, хамманинг юрак-багрини эзиб юборди, аммо Тўмарис кайгусининг зўридан йиглай олмасди. У эси огиб колгандек бир нуктага тикилганича котган, лаблари бир нима деб пичирлар эди.

Кайгу-хасратнинг давоси душмандан ўч олиш эди. Дахшатли хабар келган куннинг эртасига Тўмарис тажрибали уругдошларини тўплаб, кенгаш ўтказди.

Давра куриб мункайиб ўтирган кексаларга, кампирларга, душмандан ўч олиш истаги билан ёнган ёшларга бир-бир кўз югуртириб, титрок овоз билан:

— Оталар, оналар, укалар, ахволимиз танг, фалокат бойкушлари тепамизда учиб юрибдур,— деди.— Ёвуз душман навкирон йигитларимизни макр билан кириб ташлади.

Биз уларнинг ўчини олмогимиз, бор кучимизни тўплаб, ёвни юртимиздан хайдаб чиқармогимиз керак. Шу тўғрида сизнинг маслахатингизни олмоқчимиз.

Тўрда ўтиргап оппоқ соколли, кулча юзи кип-кизил, ўткир кўзли бир чол томогини кириб гап бошлади:

— Бепарво бўлганимиз, гафлат босиб бемаслаҳат ип килганимиз учун бизни Михра (10) жазолади. Агар биз юборган кўшинга Сипарангиз эмас, кўп жангларда суяги котган, зхтиёткор бир киши бошчилик килганда навкирон йигитларимиздан ажралиб колмас эдик. Сипарангиз мард бўлса-да, аммо кўп жанг кўрмаган, тажрибасиз йигит эдн.

Кейинчалик у зўр саркарда бўлиб етишарди, афсуски, умри киска экан.

— Рост айтасиз,— деб унинг сўзини бўлди Тўмарис.— Мен суяги котмаган ўғлимни бу кўшинга бемаслаҳат бош килиб юбордим ва манманликнинг жазосини тортдим.

— Йигитлар орасида кизлар, аёллар бўлганида бу фалокат бошимизга келмас эди,— деди бир кампир тутакиб. — Михра аёлларни куч-куватга тўлган вақтида, фахму фаросат ёрдамида яратган. Сипарангиз кўшинида кизлар бўлганида йигитларнинг кўлидан май косасини уриб туширар эди...

— Бўлар иш бўлди, отилган ўкни кайтариб бўлмас, — деди бояги чол унинг гапини огзидан олиб,— Биз энди бундок килсак: барча қариялар ва болаларни моллар билан оркага юбориб, барча эр-хотин, йигит-кизларни куруллантурсак ва душманни чўл ичига алдаб олиб кириб, ўша ерда кириб ташласак...

Кўпни кўрган чол қаергача чекиниш ва душман билан қайси жойда жанг килиш кераклигини батафсил гапириб берди. Кенгашдагилар унинг режасини маъқуллаб, баъзи тузатишлар киритдилар.

Ўша куниёқ Тўмарис, урушга ярамайдиганлар панарок жойга юборилсин, дсб буйруқ берди, кейин отларининг жиловидан ушлаб саф тортиб турган эркак ва аёлларнинг курул-яроглари, уст-бошлари, оёқ кийимларини кўздап кечирди. Уларнинг пухталигига қаноат ҳосил килгандан кейин бир аргумокни курулликка сўйдириб, Куёш тангрисига илтижо килиш учун бир тепалик устига чикди, белидаги олтин камарига осилган қиличи ва қалқонини ерга қўйиб, массагетлар наздида худоларнинг худоси бўлган Михрага сизина бошлади:

— Эй, бутун мавжудотни — еру кўкни, сув ва ўтни яратган Куёш тангриси! Сен кўзингни очсанг — олам нурга тўлади; кўзингни юмсанг — ер юзини қоронгилик лашқари босади.

Одамларга ўт берган ҳам сен, дарёларни тоширган, экинзор ва ўтлоқларга сув берган ҳам сен! Кўй ва кийикларни кўпайтирган, дон-дунга барака берган ҳам сен! Эй, улуг Куёш тангриси, бизни эронийларга хор қилма, дилимизга гайрат, билагимизга қувват ато қил, юрагимизга ўч оловини сол! Қиличимизни ўтқир қил, токи, юртимизни оёқ ости қилган маккор душманни тор-мор айлаб, қуллик балосидан халос бўлайлик!

У нажот сўраб Михрага ёлвораркан, кўзларидан дувиллаб ёш оқиб кетди. Бир лахза ерга қараб турди-да, ўзини тутиб олгандан сўнг қилич-қалқонини тақиб олиб, пастга тушди, ўйноқлаб турган оқ отига миниб, қуролланган халққа муружаат қилди. Юртнинг бошига тушган фалокат тўгрисида гапириб, сўзининг охирида шундай деди:

— Опа-сингиллар, ака-укалар, қаерга кетаётганингизни ҳаммангиз биласиз. Шу кетганимизча ё ҳаммамиз битта қолгунча қирлиб, ўз қонимиз билан шаънимизга тушган доғни ювиб ташлаймиз ёки душманни қириб юбориб, галаба билан қайтамиз. Ишонаман: орамизда Эрон шоҳи олдида тиз чўқадиган номард йўқ. Биз албатта енгамиз! Шафқатсизликни бизлардан кўрсин Эрон шоҳи!

— Бизни жангга бошла, онахон! Душмандан интиқом олиб, дудини димоғидан чиқарайлик!

Офтоб нури Тўмариснинг елкасига тушиб турар, гўё Михра нузли қўллари билан уни сийпаб, олқишлаётгандек бўлар эди.

— Эл-юрт аёл қишининг фотихасини олди, галаба бизга ёр бўлгай,—деди соқоли қўксига тушган бир қол.

Шу пайт тип-тиник осмонда бир бургут қанотларини қенг ёйиб, улар устида айлана бошлади. Қуролли йигит-қизлар бошларини қўтариб, унинг парвозини томонга қилдилар. Хамма кўзлар қачнаб, юзлар ёришиб кетди, қунки уларнинг эътиқоидида бу яхшилик, аломати эди...

Тўмарис тиш-тирноғига қуролланган ва ҳали қарчамаган Эрон қўшини билан ҳозир жанг қилса, оқибати. ҳунук бўлишини яхши биларди. Энг олдин душманни қўлларда қарсон қилиб, унинг тинқасини қуритиш, қулай вақт ва жой топиб туриб, жанг қилиш қерак эди.

Енгил галабадан ҳаволанган Эрон қўшини Тўмариснинг чекинаётганини эшитиб, қудлик билан уни таъқиб эта бошлади. Қайқисрав осонгина зафар қозониб, ўлжа олишга шошилаётган қўшинини тўхтатиб қилишдан оқибат эди. Қассаётлар эса бир тепалиқ остида ўзлари учун қулай жой ишқол қилиб, саф тортиб турдилар. Биринчи сафда ўқ-ёй билан қуролланган енгил аслаҳали мерганлар, улар орқасида оғир қуролли аскарлар турар эди, Қайқисрав аскарлари секин-ақта яқинлашиб қелавердилар. Қассаёт мерганлари тўсатдан уларни ўққа тутдилар, қадоклар бўшаб қолғач, узун дастали мис болталар, қалта найзаларни ишга солдилар. Қўшиннинг икки ёни ва орқа томонини ҳимоя қилиб турган отликлар сувлигини қайнаб, тилла ўмилдирикларини офтобда яқиратиб турган сабрсиз аргумокларнинг бошини қўйиб юбордилар. Сафлар бир-бирига араллашиб кетди. Қилич ва найзаларнинг бир-бирига тараклаб тегиши, жангчиларнинг сурони, отларнинг қишнаши, ярадорларнинг инграши бирга қўшилиб, қиёмат-қойим бўлиб кетди. Одамлар қуж бўлиб олиб, бир-бирига найза санқар, болта билан бошига туширар, қилич билан қопар эди. Жанг шу қайлда қечқача давом этди. Ўз ерларини ёвдан тозалаш ва ўч олиш иштиёқи билан ёнган қассаётлар қонбозлик қўрсатиб ёв биле мардларча олишишди, иихоят, зафар уларга ёр бўлиб, душманни орқага сура бошлашди. Қарина бошқилигидаги отлик қўшин душманнинг қап қанотини қиндириб, орқага ўтиб олди. Бир тепалиқ устида жангни қузатиб турган Қайқисрав қилич яланқочлаб, ўз навқарлари

билан жангга шошилди, биров у биринчи тўкнашишдаёк халок бўлди. Кайхисравнинг ўлганини билиб, эронийларнинг рухи тушиб, юракларидаги ўт сўна бошлади. Душманнинг бир қисми чекиниб, яқин ўртадаги тўқайларга яширинмокчи бўлди. Биров Тўмарис бошчилигидаги эркак ва аёл суворийлар уларнинг олдини тўсиб чиқиб, қилпчдан ўтказиб бошладилар. Массажетлар эронийлар устидан тўла галаба қозониб, бир талай асир олишди.

— Кайхисравнинг... қалласини қесиб олиб қелинлар!— деб буюрди хали ҳам нафасини ростлаб ололмаган Тўмарис. Унинг ёнида туриб, душман билан олишган қелини уч-тўрт аёл жангчи билан шаханшоҳ аскарларининг жасадига тўлган майдонга от сурди. Қўп ўтмай, Зарина Кайхисравнинг жасадини топди ва унинг қалласини қесиб олиб, Тўмарисга қелтириб қорди.

— Энди бир мешга қон тўлдириб қелинлар!

Жангчилар дархол маликанинг буйругини бажо қелтирдилар.

Тўмарис соч ва соқолига қон ёпишиб қотиб қолган, қўзлари юмук, дахшатли қаллани қўлига олиб, унга қаради-да:

— Эй Кайхисрав, умр бўйи жанг қилиб одам қонига тўймадинг, мана энди тўйгунингча ич!

— деб уни меш ичига қолди-да, меш оғзини қилвир билан маҳкам боғлаб қўйди.